

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг
2019 йил “26” апрелдаги
141-сон буйруғига
4-ИЛОВА

**Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган
мактаб-интернатларининг ўқувчилари ўртасида спортнинг енгил
атлетика, шахмат турлари ва қувноқ эстафеталар бўйича икки босқичли
спорт мусобақасини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг ўқувчилари ўртасида спортнинг шахмат, енгил атлетика, турлари ва қувноқ эстафеталар бўйича икки босқичли мусобақани (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мусобақа имкониятлари чекланган болаларни спортга жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спорт ва жисмоний тарбия орқали уларни ҳаётга бўлган қизиқишини янада орттириш, дўстона алоқаларни кучайтириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини янада оширишга қаратилган.

2. Мусобақа икки босқичда:

I-босқич - ҳар бир мактаб-интернатда 2019 йилнинг 13-21 июнь кунига қадар ўтказилади;

II-босқич - финал ўйинлари, 2019 йилнинг 26-30 июнь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

3. Мусобақалар мазкур низомга кўра ўтказилади.

4. Мусобақанинг биринчи босқичи мактаб-интернатларнинг ўқувчилари бўлган имкониятлари чекланган барча болалар ўртасида шахмат, енгил атлетика, турлари ва қувноқ эстафеталар бўйича мусобақалар ташкил этилади. Қувноқ эстафеталар дастури мактаб-интернатларнинг маъмурияти томонидан тузилиши мумкин.

2-боб. Мусобақанинг мақсад ва вазифалари

5. Қуйидагилар мусобақанинг мақсадлари ҳисобланади:

имконияти чекланган болаларни реабилитация қилиш ва уларни паралимпия спортга кенгроқ жалб этиш;

паралимпия спортчилари орасидан энг маҳоратли ва кучлиларини саралаш ва халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш мақсадида терма жамоага муносиб номзодларни танлаш;

сараланган спортчиларнинг спорт маҳоратини янги босқичга кўтариш;

худудлардаги паралимпия спортчиларини жисмоний тайёргарлигини таҳлил қилиш;

жисмоний имкониятлари чекланган болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиб, дўстона алоқаларни янада кучайтириш.

6. Мусобақанинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

имконияти чекланган болалар орасида паралимпия спортини оммалаштириш;

юқори даражадаги мусобақаларни ўтказиш орқали паралимпия спортчиларининг маҳоратини ошириш;

имконияти чекланган болалар орасида ўтказиладиган Жаҳон ва Осиё чемпионатида ўз ёш тоифаларида иштирок этувчи паралимпия спортчилари таркибига захира спортчиларни тайёрлаш ва ғолибларни аниқлаш.

3-боб. Мусобақани ўтказишга раҳбарлик қилиш

7. Мусобақани ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан амалга оширилади.

8. Мусобақанинг иккинчи босқичини ўтказишга Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан тайинланган ҳакамлар ҳайъати мусобақаларга бевосита раҳбарлик қилади.

9. Мусобақанинг биринчи босқичини ўтказувчи ҳакамлар ҳайъати таркиби Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг худудий бўлимлари томонидан шакллантирилади.

4-боб. Мусобақа иштирокчилари

10. Мусобақанинг биринчи босқичида мактаб-интернатларнинг ўқувчилари бўлган имкониятлари чекланган барча болалар иштирок этадилар.

11. Мусобақанинг иккинчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мактаб-интернатларида махсус спорт тайёргарлигидан ўтган ва мусобақанинг биринчи босқичи ғолиб ўқувчилари таркибидан шакллантирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирок этадилар.

Мусобақа иккинчи босқичининг худудлар бўйича жамоалар таркиби қуйидагича шакллантирилади:

Т/р	Худудий жамоалар	Ўғил болалар	Қиз болалар	Кузатувчи мураббийлар (эркак ва аёл)	Шифокор	Жами
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4	4	2+2	1	13
2	Андижон вилояти	4	4	2+2	1	13
3	Бухоро вилояти	4	4	2+2	1	13

4	Жиззах вилояти	4	4	2+2	1	13
5	Навоий вилояти	4	4	2+2	1	13
6	Наманган вилояти	4	4	2+2	1	13
7	Самарқанд вилояти	4	4	2+2	1	13
8	Сурхондарё вилояти	4	4	2+2	1	13
9	Тошкент вилояти	4	4	2+2	1	13
10	Фарғона вилояти	4	4	2+2	1	13
11	Хоразм вилояти	4	4	2+2	1	13
12	Қашқадарё вилояти	4	4	2+2	1	13
13	Тошкент шаҳри	4	4	2+2	1	13
ЖАМИ:		52	52	52	13	169

5-боб. Мусобақа шартлари

12. Мусобақанинг иккинчи босқичида иштирок этиш учун талабномалар мусобақанинг бошланишига 5 кун қолғунига қадар Ташкилий қўмитаси топширишлари керак.

13. Иштирокчиларнинг паспорти (туғилганлиги хақидаги гувоҳномаси), шифокор кўригидан ўтганлиги ва спорт тайёргарлигидан ўтганлигини тасдиқловчи маълумотнома, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари раҳбарларининг имзоси, муҳри билан тасдиқланган талабнома, сафар гувоҳномасини мусобақага келиш куни мусобақанинг қабул (мандат) комиссиясига тақдим этилади.

14. Мусобақа иштирокчилари бир хил спорт либосларида бўлишлари лозим.

15. Иштирокчиларни кузатиб келувчилар, раҳбарлар йўлда, мусобақа ўтказиладиган, истиқомат қиладиган ва овқатланадиган жойларда ўз жамоалари аъзоларининг юриш-туришларига шахсан жавобгардирлар.

16. Талабномаларда кўрсатилган мусобақа қатнашчилари хақидаги нотўғри маълумот қалбаки деб ҳисобланади. Бунинг учун талабномада имзо чеккан ва тасдиқлаган шахс жавобгар бўлади.

Жамоаларнинг мураббий ва вакиллари мусобақа давомида спорт этикасига риоя этилишига масъулдирлар. Мусобақа даврида спорт интизомини бузган спортчилар кейинги бўладиган мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадилар.

17. Эътироз билдирувчи жамоанинг мураббий ёки вакили, мусобақа тугаган вақтдан бошлаб 1 соат ичида ҳакамларни ва рақиб жамоа вакилларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт. Акс ҳолда белгиланган вақтдан ўтиб қилинган норозилик талаблари ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

Атрофлича ўрганиб чиқилган далиллар ҳамда мураббий имзо чеккан эътироз хати, бир соат мобайнида мусобақа ҳакамларига тақдим этилиши шарт. Ўз вақтида тақдим этилмаган эътирозлар инobatга олинмайди.

6-боб. Мусобақа ўтказиладиган турлар ва иштирокчилар

18. Шахмат бўйича мусобақалар қуйида келтирилган 1-жадвалга ва енгил атлетика бўйича мусобақалар 2-4-жадвалларга мувофиқ жисмоний имкониятларига кўра гуруҳларга ажратилган тарзда ўтказилади ва ҳакамлар томонидан баҳолаб борилади.

Кўзи ожиз ўғил бола ва қизлар учун:

1-жадвал

Т/р	Спорт тури	Спортчилар сони
1	Шахмат	2 нафар (1 нафар ўғил, 1 нафар қиз бола)

Таянч ҳаракат аъзолари шикастланган ўғил бола ва қизлар учун:

2-жадвал

Т/р	Масофа узунлиги	Спортчилар сони
1	400 метр узоқликка югуриш	1 нафар ўғил бола
2	100 метр узоқликка югуриш	1 нафар қиз бола
3	Узунликка сакраш	2 нафар (1 нафар ўғил, 1 нафар қиз бола)

Заиф кўрувчи ўғил бола ва қизлар учун:

3-жадвал

Т/р	Масофа узунлиги	Спортчилар сони
1	400 метр узоқликка югуриш	1 нафар ўғил бола
2	100 метр узоқликка югуриш	1 нафар қиз бола
3	Узунликка сакраш	2 нафар (1 нафар ўғил, 1 нафар қиз бола)

Заиф эшитувчи, қар ҳамда нутқида нуқсони бўлган ўғил бола ва қизлар учун:

4-жадвал

Т/р	Масофа узунлиги	Спортчилар сони
1	800 метр узоқликка югуриш	1 нафар ўғил бола
2	400 метр узоқликка югуриш	1 нафар қиз бола
3	Узунликка сакраш	2 нафар (1 нафар ўғил, 1 нафар қиз бола)

19. Кувноқ эстафеталар бўйича шартлар куйидагича:

1- ўйин (эстафета)


“Коптокни саватга тушириш”

Жихозлар: ўтиш халқаси, тумба, баскетбол тўпи, халқа, сават (манеж).

Жамоалар таркиби: 5 нафар (3 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола).

Ўйиннинг бориши: Ҳакамнинг ишораси билан ўйинчи стартдан чиқиб, халқадан ўтиб, ўрта масофада жойлашган тумбани бир маротаба айланади ва югуришни давом эттириб, халқа ичида турган баскетбол тўпини белгиланган 1,5 метр масофадан саватга ташлайди. Тўп саватга тушгунгача ҳаракат давом этади. Сўнгра сават ичидаги тўпни олиб халқа ичига олиб келиб кўяди ва тўғри старт томонга қайтиб келади. Сўнгра кейинги иштирокчилар ҳам шу тариқа ўйинни давом эттирадилар.

Ўйинни биринчи бўлиб тугатган жамоага 3 очко, иккинчи бўлиб тугатган жамоага 1 очко берилади.



2-ўйин (эстафета)

“Кубба ўйини”


Жихозлар: тўп ва 12 та кегли.

Жамоалар таркиби: 6 нафар (3 нафар ўғил ва 3 нафар қиз бола).

Ўйиннинг бориши: Жамоалар белгиланган масофада 4 метр узокликда ўрнатилган турли шаклда жойлаштирилган кеглиларни кўпроқ йиқитиши керак.

Ўйин тавсифи: Ҳакам руҳсати билан ўйинчи белгиланган жойдан турли шаклда кўйилган кеглиларни нишонга олади. Ҳар бир ўйинчига бир маротаба имкон берилади. Коптокни кегли томонга отган ўйинчи бориб ўзи олиб келади ва кейинги иштирокчига беради. Қайси жамоа биринчи бўлиб ва кўп кеглиларни йиқитса, шу жамоа ғолиб бўлади.

Ўйинда ғолиб жамоага 3 очко, иккинчи ғолиб бўлган жамоага 1 очко берилади.



3-ўйин (эстафета)
“Саватдан саватга”


Жихозлар: 2 та сават, 20 дона ҳар-хил тўплар.

Жамоалар таркиби: 6 нафар (3 нафар ўғил ва 3 нафар қиз бола).

Мусобақа бошланишидан аввал старт чизиғининг орқасидаги манежга 20 дона турли тўплар солиб қўйилади. Саватдан 0,5 метр узоқликда иштирокчилар илон изи шаклида майдонга жойлашади. Охирги боладан кейин яна бир манеж туради.

Ўйиннинг бориши: Ҳакамнинг ишорасидан сўнг старт тамонидаги тўплар солинган саватдан бошланади. Тўплар қўлма-қўл узатилиб саватга ташланади. Охирги тўп саватга тўшгандан сўнг ўйинни тўхтамасдан тўплар яна орқага стартдаги саватга қайтариб солиниши керак.

Ўйинни биринчи бўлиб тугатган жамоага 3 очко, иккинчи бўлиб тугатган жамоага 1 очко берилади.



4-ўйин (эстафета)
“Халқа орасидан ўтиш”


Жихозлар: 5 та махсус халқа, 1 та байроқча ёки фишка.

Жамоалар таркиби: 4 нафар (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола).

Старт ортида жамоалар сафланиб турадилар. Старт чизиғидан 3 метр ораликдаги масофага 4 та халқа ва ҳар бирининг оралиғига 2 метрдан халқа мосламаси қўйилади. Охирги халқадан 3 метр ораликдаги масофада финиш байроқчаси ёки фишка ўрнатилади.

Ўйиннинг бориши: Ҳакам ишорасидан сўнг биринчи ўқувчи старт чизиғидан чиқиб мосламалар ичидан илон изи шаклида ўтиб финиш байроқчаси томон ҳаракат қилади. Финиш байроқчасини айланиб ўтиб старт чизиғи томон қайтиб келади.

Ўйинни биринчи бўлиб тугатган жамоага 3 очко, иккинчи бўлиб тугатган жамоага 1 очко берилади.




5-ўйин (эстафета) “Тўп алмаштириш”

Жиҳозлар: 1 та футбол тўпи, 2 та халқа, 1 та баскетбол тўпи, 1 та байроқча ёки фишка.

Жамоалар таркиби: 6 нафар (3 нафар ўғил ва 3 нафар қиз бола).

Ўйиннинг бориши. Жамоалар старт чизиғи орқасида турадилар. Ҳакам ишорасидан сўнг биринчи турган ўйинчи старт чизиғидан чиқиб халқа ичидаги футбол тўпини олиб олдинга қараб югуради. Белгиланган масофага бориб халқа ичидаги баскетбол тўпини футбол тўпга алмаштириб орқага қайтиб келади. Баскетбол тўпини старт чизиғи олдидаги халқага қўйиб сафдаги жамоадошини қўлига қўлини теккизиб ўзи саф ортига бориб туради. Ўйин шу тарзда давом этади.

Ўйинни биринчи бўлиб тугатган жамоага 3 очко, иккинчи бўлиб тугатган жамоага 1 очко берилади.



7-боб. Мусобақани молиялаштириш

20. Иккинчи босқичида ҳудудлардан иштирок этадиган спортчилар, уларнинг кузатувчи мураббийлари, шифокорларнинг яшаш ва овқатланиш, мусобақа даврида иштирокчиларни транспорт воситалари билан таъминлаш ҳамда ғолиб ва совриндорларни диплом, медаль, ғолиб жамоага кубок ва иштирокчиларни эсталик совғалар билан тақдирлаш бўйича харажатлар Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши маблағлари ва ҳомийлар томонидан қопланади.

21. Мусобақанинг биринчи босқичи ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш ҳомий ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

22. Мусобақани иккинчи босқичига иштирок этадиган спортчилар, уларнинг кузатувчи мураббийлари, шифокорларининг йўлқира ва йўлда овқатланиш билан боғлиқ харажатлари мусобақага юборувчи ташкилот ва муассасалар, шунингдек бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан қопланади.

23. Мусобақа вақтида тиббий ходимлар билан таъминлаш, мусобақани ўтказиш учун ҳакамлар билан таъминлаш Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси томонидан амалга оширилади.

8-боб. Яқуний қоидалар

24. Мусобақа натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби мусобақа ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади.

25. Мусобақа натижаларидан норози бўлган иштирокчилар томонидан чемпионат жараёнида апелляция комиссиясига мурожаат қилиниши мумкин.

Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятлари Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мқ-сон буйруғи (Адлия вазирлигида 2018 йил 5 сентябрда 3065-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

26. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган.

**Жисмоний тарбия ва спорт вазири
ўринбосари**

Ш.Момиджанов

2019 йил _____